



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 14 август, чоршанба

№64 (11.452)

Эркин нарҳда сотилади

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Кеча Кибрай туманидаги «Дўрмон» ширкат хўжалигининг маданият уйида «Энг улуг, энг азий» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Истиқлол Ўзбекистонни буюк ўзгаришлар сари бошлади. Бу йилларда мамлакатимизда ҳамма соҳада ислохотлар чуқурлашиб, жамиятда туб янгиланиш юз берди.

Шу тарихий жараёнларни ёритиб, замондошларимиз онгига истиқлол мафкурасини синдириш, халқимизнинг азалий кадриятларини тиклашда ижодкорларнинг изланишлари тобора муҳим ўрин тутмоқда.

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, «Манавият ва маърифат» маркази, ёзувчилар уюшмаси, «Олтин мерос», «Нуроний» жамғармалари Тошкент вилоят бўлиmlари ташаббуси билан кеча мамлакатнинг мустақиллик йилларидаги дадил одамлари, жамият маънавияти юксалиб бораётганлигини ёритишга бағишланган ижодий ишлар кўрик-танловларига якун ясалди.

Кўрик-танловнинг «Энг улуг, энг азий» йўналиши

Mustaqillikning 1 yilligiga



— Бундан қаранг, қанчалик мафтункор манзара! — хитоб қилди ҳамроҳим паста— олис яқинда селлиниб турган бог-роғлар, пахтазорлар, чошгоҳ қуёшида тасмадек жимирлаб оқаяткан Оҳангаронсойга, ёнгинамиздаги Оқкўрғон шаҳарчасига ишора қилиб. — Инсон қўли гул, деганлари шу бўлса керак-да!

иккинчи... қорамтир нуқталар кўринди. Ҳалиги бир овозга иккинчиси, учинчиси... жўр бўлди. Ҳадемай шомонинг чийиллашидан устунлик қилиб, кум саҳросини кўнги-роқлар овози босиб кетди.

Карвон келарди!

Кум саҳросини ошиб, карвон манзилга таллинарди!

— Мулла Муҳаммад, Калонқудуққа қанча қолди? Туяқашлардан бирининг кўнгироқлар жаранги остида баногоҳ эшитилган бу овозидан уйғониб кетдим. Юз-кўлни ювдим, стол ёнига ўтирдим. Эрта билан муҳаррирга Буюк Ипак йўли, унинг бўйидаги қадимий Шош, Илок, Фороб, Хўқанди Латиф, Қанқа, Бинокент, Самарқанд, Бухоро, Қўҳна Урганч шаҳарлари ҳақидаги мақолани тутқаздим. Уқиб чиқиб, эстон ҳамкасбим:

— Кимки йўлларни жонсиз бир восита деса — янглишади, — деб кўйди алоҳида бир хиссиёт билан. — Каттиқ янглишади. Йўл - ҳаммаша ҳаракатдаги жонли, кудратли, бунёдкор куч.

«МАЙДОН»ДА БОШЛАНГАН УЧРАШУВ



Республикаимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Ангрен меҳнат жомоалари, маҳалаларда ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, маънавий муҳитни янада соғломлаштириш голларини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу мавзуларда кенг меҳнатқашлар ўртасида учрашувлар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари уюштирилляпти. Бу тадбирлар кўпчилида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шундай учрашувлар «Майдон», «Янги ҳаёт» маҳалаларида, кўмир қони, олтин қазиб чиқариш корхонасида, ўқувчилар таътилни ўтказаятган оромгоҳларда бўлиб ўтди. Уларда шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқий органлар ходимлари, «Камолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати, қатор жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари катнашмоқдалар.

Мунаввара ИСАКУЛОВА.

ЯНА БИТТАГА ОРТАДН Куйичирчиқ туманининг «Уяли» қишлоғидаги савдо шаҳобчалари яна биттага кўпаядиган бўлди.

«Дўстлик» хўжалик ҳисобидаги чакана-савдо корхонаси томонидан барпо этилаётган мазкур дўкон қурилиши учун бир ярим миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Турли халқ истеъмол моллари сотишга мўлжалланган мазкур савдо шаҳобчаси истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Али МУРОДОВ.



ИНШООТЛАР ШАЙ

Чиноз тумани марказида озик-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон ишга тушди. Бу — туманда фойдаланишга топширилган кўзланган 11та савдо марказларидан бири.

Улардан ташқари байрам кўнлари туманда 2 та умумий овқатланиш шаҳобчаси, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва савдо қилувчи марказ ҳамда 7-ўрта мактаб биносининг очилиши режалаштирилган.

Айни кўнларда бу иншоотларда сўнгги жиҳозлаш ишлари якунланмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ЭЛЧИХОНА ҲАМКОРЛИГИДА ОЧИЛДИ

Янгийўл шаҳрида шаҳар Тadbиркор аёллар уюшмаси ҳамда Япония элчихонаси ҳамкорлигида янги Ўқув марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни вилоят Tadbиркор аёллар уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудова қисқача кириш сўзи билан очди.

Тadbирда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Има Шахи Хираоки, Ўзбекистон Tadbиркор аёллар уюшмаси раиси Д. Алимбоева, БМТнинг Ўзбекистондаги вакили О. Ҳакимов, Янгийўл шаҳар ҳокими З. Файзуллаев, ва бошқалар кейинги пайтда Ўзбекистон-Япония муносабатлари тобора ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, Ўқув марказининг очилиши ана шу ҳамкорликнинг ёрқин бир намунасидир. Эндиликда бу Ўқув марказида шаҳар ва туман ёшлари турли хунарларни ўрганадилар.

Аҳмаджон РИХСИБЕВ.

БАЙРАМОЛДН ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТАДН

Юртимиз истиқлолининг 11 йиллиги арафасида Оҳангарон тумани маданият ишлари бўлимида ҳам бир қатор байрамолди тадбирларни ўтказиш режаси ишлаб чиқилган.

— Уларнинг кўлами ниҳоятда кенг ва ранг-барангдир, — дейди туман маданият ишлари бўлими мудири Абдуҳамид Қамбаров. — Хусусан, унга яқин маданий ва маиший иншоотлар қурилиши ниҳоятда етказилмоқда, Ободонлаштириш ишлари икки ойлиги давом этаёлти. Жойларда уюштирилаётган маданий-маърифий кечалар, маданият уйлари ва ижодий жамоалар бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари кўпчилика манзур бўлмоқда.

Жумладан, кўни-кеча Эйвалек маҳсул темир-бетон очик турдаги хиссадорлик жамиятида бўлиб ўтган тадбирда марказий маданият уйига қарашли «Оҳанграбо» ашула ва рақс дастаси хонандалари, созандалари ва рақсқосалари ижро этган куй, қўшиқ ва рақслар йиғилганларга завқ бағишладди.

Ўз мухбиримиз.

«НУРШОТ ОТА» СОВҒАСИ

Юқоричирчиқ тумани марказий шифохонаси қошида тез тиббий ёрдам бўлими ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин туман аҳолиси ҳозирдаёқ шифокорлар фаолиятига ижобий баҳо бера бошладди.

Яқинда яна бир қувончли воқеа рўй берди. «Нуршот ота» фермер хўжалиги марказий касалхонага «Дамас» автобилини совға қилди.

Энди узок ҳудудларда яшовчи аҳолига ҳам тиббий хизмат кўрсатишда ҳеч қандай муаммага дуч келинмайди.

Ўз мухбиримиз.

«МИРЗО» — ҚОВУНЧИЛАР

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида Янгийўл туманидаги «Фан» марказий маданият уйи, Халқобод маданият саройи, Ниёзобод, Қўшғоч, Убай Мусаев, Хўжаобод кишлоқ клубларида «Сиз тарихни биласизми?» мавзусида кечалар, уч авлод вакиллари учрашувлари, кўрик-танловлар ва сайиллар ўтказилляпти. «Мирзо» театри томошалари қовунчиликларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

ЙўЛЛАР МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТАДИ

Нариқоқда кўприкнинг адл қиёфасидан завқланиб турган туман ҳокимининг ўринбосари Муҳиддин Убайдуллаевга кулимсираб кўз ташладим. У ҳам дўстимнинг шу аснодаги кайфиятини чуқур ҳис қилаётгандек эди.

— Мана шу кўприк қирғоқларни туташтириб, минг-минг кишиларнинг муродини ҳосил — манзилни яқин қилди, — деб кўйди Убайдуллаев.

Унинг сўзларини тинглаб, беихтиёр Ангренда шу қончилар шаҳарчаси бунёдкорларидан бири ўтган ёз айтган фикр ҳаёлимга келди: «Бугунги Қамчиқ Фарғона водийси билан Тошкент воҳаси орасидаги йўлни енгиллаштирди, дейишмоқда. Ниҳоятда тор йўлнинг ҳосиласи бу. Янги Қамчиқ XXI аср цивилизациясининг Буюк Ипак йўлидаги довларидан бири, мустақил Ўзбекистон бу юксаликтан Мағриб Машриққа парвос қилляпти».

Хар икки фикр муқоясаси деярли икки аср муқаддам Бухорои шарифда, амир элчиси, шонир ва мутафаккир Аҳмад Дониш хонадонидан, базм устидаги савол-жавобни эслатди. Элчининг Буюк Урусия пойтахтига сафари йиллаб давом этганди. Бир неча соатки у зот йўлда кўрган кечирганлари — катта-кичик шаҳарлар, турли забон халқлар ҳақида ҳикоя қиларди. Шоир сукутга тушган бир фурсат, кексалардан бири:

— Мулла Аҳмад, масаланки, хар кўни кўзимиз тушувчи манзара — осмон ер билан туташ жойдан у томонда ҳам мулклар эллар бораканда, а? — деб сўрапти.

Дунёнинг уфқ ортидаги мамлакатларини кўриш илнқида яшаган аждодларимиз жозика, республика бўйича сир орқали кенгашда баҳорги бемаврид ва ортиқча ёнгингарчиликлар туфайли об-ҳаво пахтачилик учун кўп қийинчиликлар келтириб чиқарганига қарамай, фидокорона меҳнат қилинган, бор имкониятлардан тўла ва оқилона фойдаланилган Андижон, Сурхондарё, Фарғона, Наманган, Самарқанд қатори Тошкент вилоятида ҳам режани қоплайдиган

Мустақил Ўзбекистон фарзандларининг йўллари бугун шундай. Хорижга чиқувчи хар бат лоп-лоп этиб ёдимга тушаберди. Не-не инсонлар азиз жонларини қурбон қилиб, орзу гўшалари сари интилиб ўтган истиқлол йўлларини ким аксинча таърифлай олади? Ўз олдиға аниқ мақсадни қўйган толиб илмлар йўлини-чи? Қишлоқмақишлоқ пиёда кезувчи тунукасоз ёки ойнасоз босиб дам махтал бўлмайди. Лойиҳалари беқийс кўприқлар карвон йўлларини очиб юборди. Ҳаракат суръати кеча-кундуз бирдек. Дарҳақиқат, бу йўллар жонли, кудратли, бунёдкор кучга айланди. Мустақиллик унга шундай жўшқинлик бағишладди, уни кўрмоқчи, ҳис қилмоқчи бўлсангиз, айтайлик, Катта Ўзбек Трактига чиқинг. Машиналар турнақатор, кўзингиз кўнайди, юрагингиз гўлгўллаб ура бошлайди. Лекин йўл бўйидаги гулларнинг муаттар хиди бутун борлигингизга шундай бир хузур бағишлайдики, беихтиёр «Шўкр» дейсиз. Бу — неча-неча авлод билан урди. Хўшсиз гавда акани яна кутуририб юборди. У ўзини билмай қолган уқасининг бўйиға сиртмоқ солиб бўға бошлады.

Нихот, шафқатсиз ака қаддини тиклади. Маъносиз

куни бир ўзгариш. Унинг суръатлари шунчаликки, гоҳида лол қолсан, киши. Таъбир жоиз бўлса, вилоятнинг бош дарвозаси — Тошкент айланма йўлидан борсангиз, бундан аниқроқ ҳис қиласиз. Сизни ҳавода учиб бораётгандек енгил ва адл кўприқлар лол қолдиради. Чимкент, Фарғона, Самарқанд, Келес, Янгибозор йўналишларида туташ йўллар қолмаган ҳисоб. Машиналар бир дам махтал бўлмайди. Лойиҳалари беқийс кўприқлар карвон йўлларини очиб юборди. Ҳаракат суръати кеча-кундуз бирдек. Дарҳақиқат, бу йўллар жонли, кудратли, бунёдкор кучга айланди. Мустақиллик унга шундай жўшқинлик бағишладди, уни кўрмоқчи, ҳис қилмоқчи бўлсангиз, айтайлик, Катта Ўзбек Трактига чиқинг. Машиналар турнақатор, кўзингиз кўнайди, юрагингиз гўлгўллаб ура бошлайди. Лекин йўл бўйидаги гулларнинг муаттар хиди бутун борлигингизга шундай бир хузур бағишлайдики, беихтиёр «Шўкр» дейсиз. Бу — неча-неча авлод билан урди. Хўшсиз гавда акани яна кутуририб юборди. У ўзини билмай қолган уқасининг бўйиға сиртмоқ солиб бўға бошлады.

Нихот, шафқатсиз ака қаддини тиклади. Маъносиз

куни бир ўзгариш. Унинг суръатлари шунчаликки, гоҳида лол қолсан, киши. Таъбир жоиз бўлса, вилоятнинг бош дарвозаси — Тошкент айланма йўлидан борсангиз, бундан аниқроқ ҳис қиласиз. Сизни ҳавода учиб бораётгандек енгил ва адл кўприқлар лол қолдиради. Чимкент, Фарғона, Самарқанд, Келес, Янгибозор йўналишларида туташ йўллар қолмаган ҳисоб. Машиналар бир дам махтал бўлмайди. Лойиҳалари беқийс кўприқлар карвон йўлларини очиб юборди. Ҳаракат суръати кеча-кундуз бирдек. Дарҳақиқат, бу йўллар жонли, кудратли, бунёдкор кучга айланди. Мустақиллик унга шундай жўшқинлик бағишладди, уни кўрмоқчи, ҳис қилмоқчи бўлсангиз, айтайлик, Катта Ўзбек Трактига чиқинг. Машиналар турнақатор, кўзингиз кўнайди, юрагингиз гўлгўллаб ура бошлайди. Лекин йўл бўйидаги гулларнинг муаттар хиди бутун борлигингизга шундай бир хузур бағишлайдики, беихтиёр «Шўкр» дейсиз. Бу — неча-неча авлод билан урди. Хўшсиз гавда акани яна кутуририб юборди. У ўзини билмай қолган уқасининг бўйиға сиртмоқ солиб бўға бошлады.

С. ЖУМАННЁЗОВ.



Хўш, бизнинг вилоятда-чи? Ўзанинг аҳоли қайси туманда қандай? Жойларда қандай чора-тадбирлар қуриляпти? Умумий пахта хирмони тақдирини ҳал қилувчи бугунги асосий агротехник тадбирлар нималардан иборат? Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдуҳамид Саидхўжаев бу ҳақда шундай изоҳ беради. Аввало шуни таъкидлаш

Бугуннинг гапи

ПАХТА ТАҚДИРИНИ АВГУСТ ҲАЛ ЭТАДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков олиб борган сир орқали кенгашда бу йил гўзанин ривож и аввалги йилларга нисбатан 15-20 кун орқада экинлиги таъкидланди.

жозика, республика бўйича сир орқали кенгашда баҳорги бемаврид ва ортиқча ёнгингарчиликлар туфайли об-ҳаво пахтачилик учун кўп қийинчиликлар келтириб чиқарганига қарамай, фидокорона меҳнат қилинган, бор имкониятлардан тўла ва оқилона фойдаланилган Андижон, Сурхондарё, Фарғона, Наманган, Самарқанд қатори Тошкент вилоятида ҳам режани қоплайдиган

(Давоми 2-бетда).



ДЕТТИ ҚЎШНИ - ОТА-ОНА

даражасида бўлсагина вояга етмаганлар муаммоси кескин тус олмайди

Бу воқеа Куйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» ширкат хўжалигида яшовчи аҳолини ларзага солиб юборди. Хали ўн етти ёшга тўлиб-тўлмаган ака ўзидан икки яшар кичик уқанинг жонига қасд қилса, қайси ақл, қайси идрок, қайси мантқиқ тўғри келади, ахир?! Ҳикматилло ўқимас, ишламасди.

Узу кун сандироклаб юрган-юрган эди. Уша кўни уқаси Раҳматилло билан гап таллашиб қолди. Кўзи қонга тўлиб, унинг бошига кетмон билан урди. Хўшсиз гавда акани яна кутуририб юборди. У ўзини билмай қолган уқасининг бўйиға сиртмоқ солиб бўға бошлады. Нихот, шафқатсиз ака қаддини тиклади. Маъносиз

(Давоми 3-бетда).

Университетда илмий анжуман

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислам университетида республикамизнинг шарқшунос олимлари, таниқли уламолар, шунингдек, мазкур ўқув даргоҳининг ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари иштирокида "Ислам динида мазҳаблар" мавзусида илмий-назорий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда исломнинг муқаддас манбалари Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар тафсири, изоҳ ва тушунтириш талаб қилиши сабабли динимизда турли оқимлар - мазҳаблар юзага келгани, уларни илмий жиҳатдан ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Халқимизни миллий истиқлол мафқураси руҳида тарбиялашда умуминсоний кадриятлар қатори ислом ахлоқи асосларини замон талаблари даражасида тушунтириш ва айрим-айрим илмий оқимлар ҳолатларининг зарарли оқибатларини фожия эътибори билан ҳалқимизга етказиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Диний мутаассиблик билан курашиш чораларидан бири оммага зарур билимларни ҳам илмий асосда, ҳам содда, тушунарли тил ва услубда етказиш ҳисобланади. Халқимиз руҳида диний жаҳолатга қарши кураш таърибасини шакллантириш, бу орқали эса динни ўзларига ниқоб қилиб олган баъзи гуруҳлар салбий таъсирининг олдини олиш бугунги кунда нафақат исломшунослар, балки бевосита фуқаролар билан ишловчи барча бўғин ташкилотлар олдига турган энг муҳим вазифалардандир.

(ЎзА).

КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мазкур мажлисда Мувофиқлаштирувчи Кенгаш аввалги мажлиси қарорлари ижроси ҳамда телекоммуникациялар ва маълумот узатиш миллий тармоғини тараққий эттириш, давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш, электрон тижоратни ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжатлар алмашиш тўғрисида" ҳамда "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлашнинг бориши ҳусусидаги масалалар муҳокама этилди.

Б. НОРБОВ, ЎзА мухбири.

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиалида

Ўтган ҳафтада, ҳаммаси бўлиб 2та биржа савдоси ва 1та кимшод савдоси бўлиб ўтди.

Кимшод савдосида, "Таълим савдо жамғи" корхонасига тегишли ВА3-2106 рўсумли давлат рақами 10 AS 302 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси 910700 сўм бўлган автотранспорт кимшоди савдоси натижасида 1450000 сўмга сотилди. "Таълим савдо жамғи" корхонасига тегишли ГАЗ-3102 рўсумли, давлат рақами 10 AS 315 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси - 4210000 сўм бўлган автотранспорт кимшоди савдоси натижасида 1850000 сўмга сотилди. Янгийўл тумани ҳудудидаги ҳар бирининг бошланғич баҳоси 140 650 сўм бўлган ер майдони савдо натижасида, ҳар бири 205000, 240000, 260000, 280000 сўмдан сотилди. Бекобод шаҳар "Ф.Раҳимов" кўчасида жойлашган сатҳи 400 кв.м. бўлган №1 ер майдони, бошланғич баҳоси-120640 сўм. Охангарон шаҳар Строительная кўчаси 28А да жойлашган майдони 500 кв.м., бошланғич баҳоси - 33250 сўм бўлган, №1 ер майдони, 51000 сўмга сотилди. Биржа савдолари орқали 7 та нодавлат автотранспорти жами 1880000 сўмлик сотилди. Умумий қиймати 6396000 сўмлик савдо бўлиб ўтди.

2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БАХТ

Ҳар гал у ёки бу даврада онахонлар отахонлар ҳақида гап кетганида, раҳматли бувимнинг гаплари эсга тушаверади.

— Хайринисони биласиз-у, — дер эдилар улар келинларига, — топиш-тутишлари айтарлиқ яхши эмас, лекин рўзғордаги саранжом-саришталikka қойил қоласан. Ҳеч нарсадан нолимайди. Рўзғордаги ҳамма нарса бут.

— Биламан, — дейди келинлари, — уларга ҳавас қиламан.

— Бировни ёмонламоқчи эмасману, — деб гапида давом этади қайнона, — Холнисонинг эри амалдор. Ўзи ҳам фабриканинг олд ишчиси, лекин қачон қарасанг, у-бу етишмайди, деб нолийди. Гугурт-нима деган гап ахир, шунинг ҳам сўраб чиқади баъзан. Мен кўп ўйлайман. Хайринисонинг қари онаси, отаси, ўзи саранжом-сариштада. Уйдагиларни ҳам шунга ўргатади. Холнисоникидан эса, унақа эмас.

Бу гапларни эшитиб, беихтиёр қариси бор уйнинг париси бор, деган гап ёдга тушади. Дарҳақиқат, кексалар хонадонимиз кўрки, фахри, таянчидир. Қариялар бор жойда кутбарока бор. Исрофгарчиликка асло йўл қўйилмайди.

Қариялар истиқомат қиладиган хонадонда фарзандлар бир-бирларига меҳр-оқибатли, ширин сўз, хушмуомала бўлиб тарбия топадилар. Бундай хонадонда ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди. Шу туфайли ҳам кексаларни



эъозлаш, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш халқимизнинг азалий удуמידир. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги нишонланганидан бу йил Қарияларни кадрлаш йили деб

эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Шу муносабат билан вилоятимиз шаҳар ва туманларда кўлаб тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Тошкент туманидаги Охунбобоев

номли ширкат ҳўжалиги Навоий маҳалласида бўлиб ўтган ана шундай байрам кечасига фахаланинг пиру бадавлат отахонлари, онахонлари, меҳнат фахрийлари тўпландилар.

Бир пиёла чой устида кизгин сўхбат бўлди. Отахонлар ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларга панд-насихат қилдилар. Маҳалла оксоқоли Эркин Ғуломов меҳмонларга узок умр, энг яхши тилакларини изхор этаркан, ҳўжалик маъмурияти тайёрлаган совғаларни топширди.

Кеча сўнггида қарияларга, меҳмонларга ош тортилди. Тадбир нирҳосида туман ҳокимининг ўринбосари Раҳматилла Шерматов, қариялар ҳамиша иззатда, ҳурматда ва эътиборда бўлажаклари ҳақида гапирганда, эъвоздаги бу аънанинг умри боқий бўлишига ҳамма тилакдош бўлди.

Носир РИХСИЕВ.

СУРАТЛАРДА: кечадан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ДАСТУРХОН ТЎРИДА ФАХРИЙЛАР

«Қарияларни кадрлаш йили» муносабати билан жойларда муҳим тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, металлургия ва машинасозлик ҳодимлари қасаба уюшмасининг Тошкент вилоят қўмитаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида Чирчиқ шаҳрида шу соҳада узок йиллар самарали меҳнат қилаётган фахрийлар анжуманини ўтказди.

Унга шаҳардаги ме-созлик корхоналари, рангалургия ва машина-

таллар ҳиссасдорлик жамиятлари, авиация таъмирлаш заводи меҳнат фахрийлари таклиф қилинди.

Металлургия ва машинасозлик ҳодимлари қасаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Бахтиёр Аҳмедов ва «Чирчиқшилоқмас» очик ҳиссасдорлик жамияти бош-

қаруви раиси Жалол Тўраев мустақил Ўзбекистонда металлургия, электр ва қишлоқ ҳўжалик машинасозлигини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари, тармоқдаги шонли анъаналарни давом эттириб, ишчи ўринбосарларининг янги авлодини тарбиялаш, янги машина турларини яратиш йўлидаги изланишлар учун фахрийларга миннатдорчилик билдириб, уларни яқин-

лашиб келаётган мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрами билан кизгин табриқлашди. Кекса авлод вақилларга қимматбахо совғалар топширилди.

Бир пиёла чой баҳона қизгин сўхбат кечгача давом этди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ПАХТА ТАҚДИРИНИ АВГУСТ ҲАЛ ЭТАДИ

даражада ҳосил тўпланаётгани қайд этиб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам пахтакорларимиз об-ҳаво шароити, ҳар бир майдондаги ғўзанинг ҳолати ва талабига қараб, муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида ва оби-тобида амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу боис вилоят бўйича ҳар гектар майдонда ўртача 104 минг тупдан кўчат олишга эришилди. Ҳозирги кунда 23 фоиз майдонда ғўза 9-10тадан, 40 фоиз майдонда 7-8тадан, 37 фоиз майдонда 5-6тадан кўсақлаган.

Бу йилги шароитда ғўзани вақтида ва меъёрига етказиб озиқлантириш, суғориш ҳамда қатор ораларига сифатли ишлов беришга алоҳида эътибор қаратилди. Ғўза вилоят бўйича ўртача 3,6 марта суғорилди, 6,5 марта культивация қилинди, 2,5 марта озиқлантирилди. Ҳар гектар майдонга ўртача 184 килограммдан азотли, 57 килограммдан фосфорли ва 10 килограммдан калийли ўғит берилди. Ғўза ривождан биров орқада қолган майдонларда парвариш ишлари раҳбар ва мутахассислар томонидан алоҳида назоратга олинди, фақат шарбат усулида, яъни бир йўла озиқлантирилиб, сувга қондирилмоқда ва намнинг узокроқ сақланиши таъминланмоқда.

Бирок, сим орқали кенгаш давомида вилоятимиздаги ғўзанинг ҳолатига ортиқча эътироз билдирилмаган бўлса-да, муҳим агротехник тадбирларни ўтказишда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётган туман ва ҳўжаликлар ҳам

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўқ эмас. Масалан, айрим ҳўжаликларда ғўзани талаб қилган вақтида суғормаслик, сувчиларни назоратсиз қолдириш, ривождан орқада қолган майдонларга шарбат оқизмаслик ҳоллари учраяпти. Бекобод туманидаги А.Мавлонов номли, Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон», Куйичирчиқ туманидаги «Гулистон», Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт», Чиноз тумани-

даги Т.Охунова номли ширкат ҳўжаликларидан ана шундай ҳоллар кузатилмоқда.

Жойларда ғўзани вақтида суғормаслик, қатор ораларини тез ва сифатли юмшатмаслик, бегона ўтлардан тўлиқ тозаламаслик вилоят бўйича умумий аҳволга акс таъсир этмай қолмайди, албатта. Чунончи, 110 минг гектар пахта майдонининг 8,5 минг гектарига ғўза ўсиш ва ривожланишдан орқада қолган. Бу майдоннинг 55 фоизи Бекобод, Ўртачирчиқ, Оққўрғон ва Куйичирчиқ туманларига тўғри келади. Оқибатда вилоят бўйича ғўзанинг ривожини ўртача 10-12 кун орқада бўлиб, ҳар тупда олинган кўсақ ўтган йилги 8та ўрнига 7таданга тўғри келмоқда.

Маълумки, бўлиб ўтган сим орқали кенгашда бу йил фойдали ҳарорат аввалги мавсумлардагига нисбатан кам бўлганлиги, ғўзанинг ривожини орқада эканлигини ҳисобга олган ҳолда парваришни 1 сентябргача давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Биз ҳам ана шу кўрсатмага амал қилиб ва ўзимиздаги мавжуд аҳвол ва имкониятларни ҳисобга олган

ҳолда ғўза ривожидидаги қоқоқликни август ойида бартараф этиб, навбатдаги агротехник тадбирларни ҳам вақтида ва сифатли ўтказиш чораларини кўраямиз.

Жойларда ғўзани суғоришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қунар каттик исиб кетаётганини ҳисобга олиб, ғўзани чанқатиб қўймаслик, ортиқча захлатмай, қисқа муддатда суғориш мақсадида сувчилар сони кўпайтирилди, тунги суғориш оммавий ташкил этилди ва назорат остига олинди. Ғўза асосан шарбат усулида, қисқа, яъни ер шароитига қараб, 50-60 ва 60-80 метр узунликдаги эгталар орқали жилдириб, оқва чиқармай суғорилмоқда. Қатор оралари етилиши билан культивацияни тўхтатмай ўтказиш-

га ҳаракат қилинмоқда. Культиваторларнинг ишчи органлари тегишли ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланмоқда, ғўзига шикаст етказиши мумкин бўлган айрим қисмлари эса, юмшоқ мато билан ўралмоқда.

Ҳосил қушандаси бўлган зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш аввалдан белгилаб олинган тадбирлар асосида олиб борилмоқда. Ҳамма жойда малакали мутахассислар жалб этилиб, зараркунанда қай даражада тарқалганлиги аниқланиб, улар асосан биологик усулда бартараф этилмоқда. Кучли зарарланган майдонлар эса, зудлик билан аниқланиб, кимёвий дозилар билан ишлов берилмоқда. Айни кунларда 2000 нафар кузатувчи фаол ҳаракатда. 26та биолобатория ишлаб турибди.

Энг долзарб вазифалардан бири ғўза учини чилпишдир. Чунки, ҳосилнинг эрта етилиши ва баракали бўлиши айнан шу агротехник тадбирнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига боғлиқ. Шунинг билан олган ҳолда ғўза учини механизм, қўл кучи ва кимёвий усулда чилпишга бор имкониятлар сафарбар этилиб, бу тадбир яқунланди.

Шу билан бир вақтда пахта йигимтеримига тайёргарлик ҳам бошлаб юборилди. Ғўза баргини сифатли ва қисқа муддатда тўқиш учун етарли кимёвий дозиларни жамғариш, мавжуд пурақич, пахта териш, қўсақ юлиш ва чувиш машиналарини таъмирлаш, пахта қабул қилиш пунктларини мавсумга ҳозирлаш ишларини 1 сентябргача тугатиш чоралари кўрилмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ БИЛАН

Август ойининг охирида элчи, АҚШ Давлат Департаментининг Европа ва Евроосийга ёрдам бериш бўйича мувофиқлаштирувчи вакили Уильям Б.Тейлор бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга таширф буюради.

Унга АҚШда фаолият олиб бораётган хусусий кўнгилчилар ташкилоти ҳамда Мудофаа вазилигининг тиббиёт бўлима-лари вакиллари киритилган. Таширфдан асосий мақсад

ҳарбий госпиталлар ва чекка ҳудудлардаги касалхоналар учун 15 миллион долларлик асбоб-ускуналар ва жиҳозлар етказиб беришдан иборат.

«Туркистон-пресс».

Ўқув йилига шаймисиз? МАКТАБЛАРГА ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ

Тошкент вилоятини янги 2002-2003 ўқув йилига тайёргарлик жадал олиб борилмоқда. Хусусан, янги мактаб бинолари қуриши, қўшимча синфхоналар очилиши, уларни замонавий жиҳозлашда давлат маблағларидан ташқари ота-оналар, ҳомий ташкилотлар кўмаги ҳам катта бўлмоқда.

Эътиборлиси шундаки, мактабларга оталик ёрдами кўрсатиш ташаббуси билан чиққан Тошкент, Қибрай, Зангиота туманлари қаторига бу йилдан бошлаб Бўка, Юқоричирчиқ туманлари, Олмалик шаҳри маориф жонқуярлари ҳам қўшилди.

Вилоятимиз бўйича қурилиши тугалланмаган ва авария ҳолатидаги 52 та мактаб бор, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т.Умаралиев. — Биз уларни махсус дастурга киритиб, босқичма-босқич мукамал таъмирлаган ҳолда фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. Шу мақсадда ўтган йили давлат маблағи ҳисобидан олпата янги мактаб қурилиши ни-ҳоясига етказилиб жиҳозланган бўлса, ҳомийларнинг 1 миллиард 867 миллион сўм маблағи ҳисобига битта мактаб, бир қанча қўшимча синфхоналар қурилди. Уларга 371 миллион сўмлик синф жиҳозлари /парта, стол-стул, доска/ етказиб берилди. Жорий йилда эса авария ҳолатидаги тўққизта мактабни қайта тиклаш режалаштирилган.

Хусусан, вилоятда кейинги уч йил мобайнида 13 минг 290 ўқувчи ўрнига эга бўлган 18 та янги мактаб

биноси қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, шундан 4 минг 560 ўқувчи ўрни ҳомийлар маблағи ҳисобидан бунёд этилди. Зангиота туманидаги ҳар бири 520 ўринли иккита мактаб, Бўка туманида 200 ўқувчи, жонқуярлари ҳам қўшилди. Пскентда 1300 ўқувчи, Тошкент туманида 140 ўқувчи, Қибрайда 220 ўқувчиға мўлжалланган қўшимча синфхоналар шулар жумласидан. Замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган 21 мактабнинг олпатаида бу иш ҳомийлар маблағи ҳисобидан амалга оширилди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур доирасидаги бундай хайрли ишларга ҳорийж ҳамкорлар ҳам элҳиснасининг беғараз ёрдами билан Бекобод шаҳридаги 2-, 13-, Чирчиқдаги 7-, 8-, 26-ўрта умумтаълим мактабларига бир таълим ўқув жиҳозлари тақдим этилди.

Янги ўқув йили арафасида эса ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 5434 ўқувчи ўрнига мўлжалланган янги мактаблар ва қўшимча синфхоналар қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

ТАЛАБ ДОИМ КАТТА

Ангрндаги «Ўзбекре-зистехника» акциядорлик жамоати жамоаси қўлидан чиқётган маҳсулотларнинг катта ҳажмини кенг истеъмол буюмлари ташкил этиди. У Марказий Осиёда миллий килиш ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳам ҳисобланади. Бу маҳсулотга эса талаб доим катта.

Шунинг билан бир маромда бермоқда. Йил бошидан бери истеъмол бозорига 1,4 миллион жуфтдан ортиқ шундай оёқ кийимлари етказиб берилди.

Корхона жамоаси барча маҳсулот турларини ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам муваффақиятли бажармоқда. Биринчи ярим йиллик режа деради 128 фоиз қилиб адо этилди. Халқ ҳўжалиги аҳтиёжлари учун етказиб берилган жами маҳсулот ҳажми 2 миллиард 320 миллион сўмликни ташкил этди. Ишчи-хизматчилар бу ютуқларни янада мустақкамлаш ва республикамизда мустақиллигининг 11 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун суръатда суръат қўшиб ишламоқдалар. Мунаввара ИСАҚУЛОВА.

ДИҚҚАТ: ГАЗ ҚУВУРИ

Газ қувурлари умумдавлат аҳамиятига эга бўлган қимматбахо иншоотдир. Шунинг учун ҳам унга ва унинг иншоотларига (кранлар, задвижкалар, ўчиргич қурилмалар, газ тақсимлаш қурилмаси, газ ўтганлиги ёки борлигини кўрсатувчи белгилар) нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг ва мансабдор шахснинг бурчидир.

Шуни унутмангки, газ қувурлари хоф тузириш манбаидир.

Газ қувурлари ўтган аҳоли пунктларида кишиларнинг ҳалокатга учрашининг ҳамда моддий зарар етказишининг олдини олиш учун муҳофаза зонасида газ қувури ўқидан юқори босимда-10 метр, ўрта босимда-4 метр, паст босимда-1 метр берида қуйидаги ишларни бажориш қатъийан ман этилади: — бирон бир қурилишни бошлаш; — дала шийнони қуриш, электр шимлари ва симёғочлар ўтказиш мақсадида қурилиш ишларини олиб бориш; — қорамоллар учун суғориладиган ҳовуз ёки қўра қуриш; — ҳашақ галлаш учун майдон тайёрлаш ва уни сақлаш; — кўм ёки туяроқ олиш учун ҳандақ тайёрлаш ва қовлаш; — сомон-ҳашақ ёки қишлоқ ҳўжалик чқиндиларини ёқиш ёки ташлаш;

— ахлатхона қилиш.

Туман ва шаҳар ҳудудида жойлашган ва фаолият юри-таётган барча корхона, ташкилот ва ширкат ҳўжалик раҳбарлари диққатига!

Газ ҳўжалиги хавфсизлиги, техник ишлашиш қондалари ва қурилиш меъёрий қондаларига мувофиқ газ қувурлари ўтказилган ер сатҳидан фойдаланувчилар газ қувурларининг бутунлигини сақлаш бўйича белгиланган қондалар, нормалар ва тадбирларга риоя қилиши шарт.

Қишлоқ ҳўжалик ишларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда дала ишларини олиб боришда моддий зарар етказмаслик мақсадида газ қувурлари ўтган ердан фойдаланишда «Тумангазтаъминот» шахобасидан рўхсат олиш-ни унутманг.

«Тошвилоятгазтаъминот» шўба корхонаси.

Асосий қонунимизни ўрганамиз ҚОМУСИМИЗ БАХТИМИЗ



62-модда. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 21, 22-моддаларида жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш учун қонуний асослар қайд этилган.

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, фаолиятини тақиқлаб қўйиш ёки чеклаб қўйиш асослари жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи бошқа қонун ҳужжатларида ҳам белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 10, 11-моддаларида сийёсий партияларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби қайд этилган. Унга қўра, сийёсий партия Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сийёсий партиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ёки ўз уставини бузса, бу ҳусусда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларининг ёки уставининг қайси нормалари бузирилганини кўрсатган ҳолда партия раҳбар органларига ёзма тарзда хабар қилади ва бундай бузилишни бартараф этишга мажбур қилинади. Агар белгиланган муддат давомида бундай қонун бузилишлар бартараф этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдирномасига биноан Республика Олий суди сийёсий партия фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб қўйиши мумкин.

Сийёсий партиянинг фаолияти тўхтатиб қўйилган муддат давомида бу партиянинг ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши, сайловларда иштирок этиши ман қилинади.

Сийёсий партиянинг фаолияти қуйидаги ҳолларда:

— партия ўз уставига мувофиқ тарқалиб кетганда; бу ҳақда партия олий органи учун қонун ҳужжатларида тақдирномасига биноан Адлия вазирлигига хабар қилади;

— партия конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистон Республикаси суверенитети, айлантилиши ва ҳафсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушчи, иктомий, миллий, irqий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига таҳовуз қилувчи, миллий ва диний рўҳдаги партиялар тузиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар содир этган ҳолларда ёки ўз фаолияти тўхтатиб қўйилганидан сўнг бир йил муддат ичида ўша хатти-ҳаракатларни такрор содир этган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сийёсий партиянинг фаолияти тугатилганини тўғрисидаги расмий хабари оммавий ахборот

воситаларида эълон қилинган қундан бошлаб сийёсий партиянинг фаолияти тугатилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Видон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 1998 йил 1 май қонунининг 13-моддасида диний ташкилотларнинг фаолиятини тугатиш тартиби ҳам белгиланган. Ушбу нормага қўра диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини ўзи тарқатиб юборганда ёки диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бузилганда ҳам тугатилиши мумкин.

Бундан ташқари сийёсий мақсадларни қўловчи сийёсий партиялар ва оммавий жамоат ҳаракатларини диний ташкилотлардан, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан молиявий ва ўзга ёрдам олиш ҳолатларининг мажбури бўлиши ҳам уларнинг тугатилишига асос бўлади.

Жамоат бирлашмаси унинг белгилаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан четга чиқадиган ёки қонунни бузидиган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда ана шу жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатга олган идора ёки прокурор томонидан ёзма равишда оғохлантирилиши мумкин. Ушбу ҳаракатларнинг жамоат бирлашмаси томонидан бир йил давомида такроран равишда содир этилиши ҳам суд қарори асосида унинг тугатилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунининг 22-моддасининг 3-қисмига қўра, суд қарори билан тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулк қайтариб берилмаслик шарти билан давлат мулкига айланрилиши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмалари, уларнинг бўлинмалари, филиаллари, республика ва вилоятларга жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан ваколат берилган бошқа идоралар ва мансабдор шахсларнинг тақдирномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Судига қарорга мувофиқ тугатилади, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилинмайди.

Маҳаллий жамоат бирлашмалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан тугатилади. Бунда суднинг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Эргаш САЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бошқарма бошлигининг ўринбосари,
3-даражали адлия маслаҳатчиси.

ДИВИДЕНД МИҚДОРИ ОРТАЯПТИ

Облик номадан қурилиш ашёлари корхонаси ўтган йили 19 миллион соф фойда билан чиқди. Шундан 16 миллион сўми иқтисодий ривожланиш учун сарфланди.

Ташқи акциядорлар эса ўзларига сотилган 35 мингга яқин акциядан олган дивиденд фойдаларининг 16376 минг сўмини ишлаб

чиқаришни янада кенгайтириш учун корхона ҳисобига топширдилар. Бунда айниқса «Файкон», «Семурф», «Камалак» хусусийлаштириш инвес-

тиция фондлари, «Туркистон инвест» агентлигининг ҳиссаси катта бўлди. Бу йил жамоа 22 миллиондан зиёд фойда билан чиқдики қўрамоқда. Демак акциядорлар даромади янада салмоқли бўлади.
Ўз муҳбиримиз.




Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» ва «ФВВ» ўйингоҳларида ёнги ўчириш амалий спорти бўйича республика биринчилиги якунланди. Унда Қозоғистон, Қорақалпоғистон республикалари, Ёнги хавфсизлиги олий техника мактаби, вилоятлар ва Тошкент шаҳар терма жамоалари тўрт тур бўйича чаққонлик, тезкорлик ва маҳорат синовидан ўтишти.

Тошкент шаҳари ёнги хавфсизлиги бошқармаси вакили Гу Денис бу спортнинг икки тури бўйича биринчи ўринни эгаллади. Андижон вилояти вакили Р. Аҳмедов уч тирсақли нарвонда ўқув минорасининг учинчи қаavatига кўтарилиш чоғида ўз юксак маҳоратини намоиш этиб,

Ўт ўчирувчилар мусобақаси

ЧАҚҚОНЛИК, ТЕЗКОРЛИК ВА МАҲОРАТ



биринчи ўринга сазовор бўлди. Тошкент вилояти вакиллари Э. Дусенбоев, А. Ирисбеков, Е. Ким, А. Абдунабиевлар ёнги ўчириш эстафетаси бўйича энг юқори кўрсаткичга эришти. Иккинчи ва учинчи ўринлар учун мўлжалланган соврилар ҳам ўз эгаларини топти.

Умумжамоа бўйича биринчи ўринни — Тошкент шаҳри, иккинчи ўринни — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармалари ёнги хавфсизлиги бошқармалари, учинчи ўринни Ёнги хавфсизлиги олий техника мактабининг терма жамоалари эгалладилар.

СУРАТЛАРДА: мусобақа жараёнидан лавҳалар.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

маълумотлар э оқимлар э воқеалар

САРОЙ МЕҲМОНЛАРИНИ КУТМОҚДА

Лондондаги Букингем саройида «очиқ эшиклар кунин» мавсуми давом этапти. Сентябрь ойи охирига қадар сайёҳлар кирил саройи ва унинг хашаматли намоишлар залини томоша қилишлари мумкин. Махсус тузилган саёҳат йўналиши туфайли меҳмонлар саройида ноёб суратлар мажмуасида машҳур тарихий санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлади. Тантаналар залида эса Буюк Британия кириллари хориж сафарларида бўлганда уларга тақдим этилган совғалар кўргазмага қўйилган. Биргина Елизавета II ўзининг ярим асрлик ҳукмронлик даврида 79 давлатда бўлган ва унинг тўлаимида бир ярим минг донга совға бор.

МАҚСАД — ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Кобулда Покистон, Япония ҳамда Афғонистон тадбиркорларининг учрашуви бўлиб ўтди. Мақсад давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашдир. Тадбирда ишбилармонлар Афғонистон билан савдо-иқтисодий соҳасида ҳамкорлик қилиш масаласини кўриб чиқишти.

АҚШ САЙЛОВ ТАРАДДУДИДА

АҚШда келгуси президентлик сайловида ҳали икки йил бор. Шундай бўлса-да, унга тайёргарлик аллақачон бошлаб юборилди. Республикачилар партияси вакиллари тахмининга қўра, навбатдаги сайловда Жорж Бушнинг рақиб демократ-сенатор Жон Керри ёки совик вице-президент Альберт Гор бўлиши мумкин. Ҳозирча оммавий ахборот воситалари Жон Керрининг имкониятини юқори баҳоламоқда.

ПАХАЛГАМДА ҚОН ТҮКИЛИ

Жамму ва Кашмир штатида фаолият юритаётган айирмачилар гуруҳи иудаизм динига эътиқод қилувчиларнинг муқаддас Пахалгам шаҳарчасида кўпорувчилик ҳаракати содир этди. Оқибатда 8 киши ҳалок бўлди ва 30 га яқин одам тан жароҳати олди. Машҳур макбарани ўз ичига олган шаҳарчага йилга минглаб эйбатчилар ташриф буюради.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Таълим ва педагогик технология

Республика Таълим марказида ўқувчилари ҳаётини кўнглимақаларга ўргатишга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

Мамалякатимиз ҳукумати билан БМТнинг бошлар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ўртасида 2004 йилга таълим «Бола ҳаётини яхшилаш» ҳамкорлик дастури доирасида ўтказилган мазкур семинарда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган ўқитувчи, методистлар қатнашти. Уларга Бола ҳуқуқла-

ри тўғрисидаги конвенцияни ўқув жараёнига татбиқ этиш, илгор педагогик методлар асосида дарс ўтиш усуллари ҳақида маълумотлар берилди.

Тингловчилар етти кун давомида ЮНИСЕФ томонидан таълим жараёнида илгор педагогик технологиялардан, турли хил услубий кўргазмалли материаллардан фойдаланиш борасида тажриба алмашти.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎзА муҳбири.

Фавқулодда вазиятга тайёргарлик

Турли тиббий идоралардан 40 нафар ўзбекистонлик мутахассислар — жарроҳлар, ҳамширалар, травматологлар, терапевтлар, техниклар ва мамырлар учун келгуси ҳафта малака ошириш нуктаи назаридан жуда фойдали бўлади.

АҚШнинг Глобал саломатлик институтидан америкалик харбий мутахассислар ўтказадиган беш кунлик ўқувлар айнан шунга қаратилган. «Фавқулодда вазиятларга муносабатда етакчилик ва шикастланиши бошқаруш тизими» деб номланган машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий

харбий госпиталида ўтказилади. Бундан мақсад фавқулодда вазиятлар ва шикастланишга муносабатда ҳамкорлар иттифоқини ривожлантиришдир. Мутахассислар мазкур соҳадаги қўнмиқа ва тушуновчаларни яхшилаш имкониятига эга бўлади. Ресурсларни (аҳоли, усқуналар, инфратузилма) бошқаришни таърифлаш ва харбий-фуқаровий ҳамкорликни тушуниш борасидаги билимларини кенгайтиради. Ўйрқчилар тайёрлаш, шикастланиш тизимлари даражасини ошириш ҳамда бу қўнмиқаларни зарур даражада ўшлаб туришга алоҳида эътибор қаратади.

А. ТҮЙЧИБЕКОВА, ЎзА муҳбири.

бу ҳам дарднинг олдини олиш учун керак. Лекин дарднинг ўзини даволаш, чиққонни ўйиб олиб ташлаш учун қон қилмайди-да. Тўғри, кейинги пайтларда маҳаллаларда милиция таънқ пунктлари пайдо бўлапти,

олишга тақлиши шарт эмас. Ана ўша Ҳикматиллони олайлик. Болалардан ўқишга лаёқат бўлмади, мудом дарс қолдира-дарс қолдира, охири мактабни мутлақо йғиштириб қўйди. Ука ҳам андай эмасди — мактабга бориб-бормай кунни кеч қиларди.

Хўп, оила носоглом, деярлик. Маҳалла-қўй, қўнқўшн, мактаб мамырияти қайқа қаради? Нега улар икки ака-уканинг «оёққа туриш» даврини эътибордан қочиради? Оиладаги муҳит ҳам ўз ҳолича қолиб кетди, уни соғломлаштириш чоралари қўрилмади. Бу вояга етмаганлар билан олиб бориладиган ишлар назорати сусайишидан бошқа нарса эмас, албатта.

Болалар иштирокидаги жиноятларнинг қўпайиб бораётганига айни нотинч оилалар, ота-оналар назоратсиз тарбия топаётганлар асосий манба бўлмоқда.

Болалар қаровсизлиги қўпайипти. Ота-она назорати бўшлиғи, фарзанд тарбияси билан ишчил шугулланмаслик, бу ишни фақат жазо беришдангина иборат деб англаш қўп ҳолларда болаларни оиладан сиқиб чиқармоқда, дайдиликка мажбум этмоқда. Шунга айтиш қифояки, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига келтирилмаётган болаларнинг 80 фозини оиласидан кетиб қолганлар ташкил этади. Айни шундай болалар турли гуруҳларга қўшилиб кетиши, қонунбузарликка йўл қўйиши оддий бир ҳолга айланиб бораётди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўтган олти ой мобайнида вояга етмаганлар томонидан вилотида 160 та жиноят содир этилди. Унта шаҳар ва туманда бу кўрсаткичларнинг ўсиши қузатилди. Чўнқончи, Олмалиқда бу тоифа жиноятчилик ўтган йилнинг биринчи ярмидагидан еттигага қўпайиб, ўттизгага етган. Юқори-чирчиқ, Қўйичирчиқ, Тошкент, Паркент туманларида вояга етмаган ўшлар содир этган жиноятлар икки баробар қўпайган. Ангрэн ва Бекобод шаҳарларидаги ахвол ҳам бундан яши эмас. Усмирлар жиноятчилигида қасддан одам ўлдириш, талончилик, оғир тан жароҳати етказиш ҳолларининг ўсиб бораётганили, айниқса ташвишланарли.

Эътибор беринг, олти ой ичида турли жиноятларда қатнашган 209 усмирнинг 111 нафари ўқимай, ишламай юрган. Жиноятга қўл урган мактаб ўқувчилари 15 кишига қўпайиб, 63 нафарга етган. Касб-ҳўнар коллежлари ва лицей талабаларининг жиноят содир этиш ҳоллари икки баробар қўпайган. 136 усмир турли гуруҳлар таркибида, 80 усмир катталар иштирокидаги жиноятларда қатнашган.

Бизда нима қўп — турли-туман марказлар, жамғарма ва ҳаракатлар қўп. Паст-баланд бўлиб тадбир ўтказишга қизиқ. Сўнги беш йил ичи мамлакатда фақат қонунларни ўрганиш ва аҳолининг ижтимоий-сийёсий онгини оширишга қаратилган 172 мингтадан қўпроқ тадбир ўтказилганлиги бир ахборотда ўқиб қолдим. Радиода қанча ҳуқуқий эшиттириш берилди? «Зангори экан» орқаличи? Газета, журналларда-чи? Катта-кичик идораларда мамырлар шунинг ҳисоблаш билан банд.

Авалло, бу тадбирлар иштирокидаги қимлар? Айтайлик, қандай ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ тадбир Бекобод техника-иқтисодиёт коллежиди ўтказилди. Табиийки, унга шаҳар маҳаллаларидаги нотинч оилаларнинг ва-

бу ҳам дарднинг олдини олиш учун керак. Лекин дарднинг ўзини даволаш, чиққонни ўйиб олиб ташлаш учун қон қилмайди-да. Тўғри, кейинги пайтларда маҳаллаларда милиция таънқ пунктлари пайдо бўлапти,

ЕТТИ ҚЎШНИ - ОТА-ОНА

даражасида бўлсагина вояга етмаганлар муаммоси кескин тус олмайди

Вилотида ҳам бу фаолият бараж. «Инсон жамиятда ташқарида бўлмайди», «Ешлар ва жамият», «Вояга етмаганлар орасида ўз жонига қасд қилишнинг сабаб ва шарт-шароитлари, уларнинг олдини олиш борасидаги вазифалар» — ўтказилмаётган ўрашувлар, суҳбатлар, баҳсларнинг номлари очиги шунанқан олимоана, файласуфонани, бу тадбирлар иштирокида бўлган усмирлар — болалар бўвқда қолиб, уларнинг моҳиятини қўпична хатто анчамунча тайёргарлиги бўлган қонунлар ҳам фарқлаб, илғаб, фаҳмлаб ололмайдилар.

турли идоралар ва ташкилотлар вояга етмаганлар билан бўлиб бориладиган ишларни бевосита мувофиқлаштиришга уринишяпти. Бирок, турли комиссиялар, ўқитувчилар, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг фаоллари олиб бораётган ниҳоятда қўламли ишларга қарамасдан усмирлар ва болалар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг кескин қамийишига эришилмаяпти. Сабоби нимада? Бизнингча, бу ҳолатнинг асосий сабаби ишни ташкил этишдаги ўзакчиликда, ягона масъулининг йўқлигида.

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

Бу муаммо билан аслида ҳамма шугулланган, лекин ҳеч ким жавоб бермайди.

Оила нотинч, ота-она ўз фарзанд тарбияси билан шугулланмай қўйган. Лекин биз-

Кўни-қўшидан кейинги тарбия воситаси — маҳалла-қўй. Лекин маҳалла фаолларининг ҳаммасида ҳам бўлғуси ҳуқуқбузар билан алоҳида суҳбатлашиш учун вақт ва сабр-тоқат топилавермайди.

Кейинги бугинларда мактабга дуч келамиз. Ҳозирги таҳлиллар шунинг кўрсатмоқдаки, ўқувчи ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг муайян қисмини ўқитиш соатларида содир этипти. Демак, мамырият, ўқитувчи ҳаммаша ҳам болаларнинг дарсида бор-йўқлиги билан қизиқмайди. Ешлар ташкилотларининг имконлари эса — ҳаминқадар.

Турли ташкилотлар, идоралар, муассасаларнинг ишчи «мувофиқлаштириш», «ҳамкорлиги» қандай самара бераётганилини эса ҳаёт, милиция идораларининг тезкор маълумотлари кўрсатиб турипти.

Муаммонинг долзарблигини таъкидловчи бир тамойил кейинги пайтда қўнмай бормоқда. Бу ўсиб келаятган авлоднинг муайян қисми қатъиятли, мустаҳкам иродали, ўз бахти ва тахтини меҳнат ва илазни ёки билим ва ижод воситасида топишга лаёқатсиз бўлиб вояга етаётганида кўрилади. Акс ҳолда усмир ёшидаги ўйрқчилар орасида ўз жонига қасд қилиш ортиб бораётганлигини қандай исроҳаймиз? Шу олти ой ичида бундай ҳодисалар Ангрэн шаҳри, Қиррай, Бўстонлик, Ўртачирчиқ туманларида рўй берди.

Ҳоҳида бу нохуш фактларни усмирлар ўз хатти-ҳаракатлари жиноят эканлигини билмаслиги, жиноятга қўр-қўрона қўл уриш деб таърифлаш ҳам одат тусига кирмоқда. Лекин оила меҳридан маҳрум

бўлиб, болалар уйда ўсган бола ҳам «Яхши» ёки «Емон» нима эканлигини англаб ўсди-ку? Демак, бизда болалар ташкилотининг тарбиявий ишдаги ўшқовсизлиги, бадий адабиёт, кино, телевидениенинг таъсири шундай салбий асорат қолдирапти. Қўрқинчи, ур-сур, қон-ўлдирларни ёрқин лавҳаларда кеча-кундуз кўрсатиш, «қорабозор»да қўп нуسخа тарқатишнинг оқибати бу. Биз — катталар бўлсак, бунга бефарқмиз.

Жўрабек МУРОДОВ.

